

**НИКОҲЛАНУВЧИЛАРГА
ҲУҚУҚИЙ ПСИХОЛОГИК
ҚЎЛЛАНМА**

Учинчи нашр

**Тошкент
«Адолат»
2012**

УДК: 347.62(575.1)
67.404.4
H59

H59 **Никоҳланувчиларга ҳуқуқий психологик қўлланма/**
Учинчи нашр/тузувчи муаллифлар: Т. Тиллаева (ва бошқ.);
нашр учун масъул А.М. Очилов. – Т.: «Адолат», 2012. – 60 б.

ISBN 978-9943-394-47-6

УДК: 347.62(575.1)
ББК 67.404.4

Нашр учун масъул:

Очилов А.М. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқар-
маси бошлиғи.

Тузувчи муаллифлар:

Тиллаева Т. юридик фанлар номзоди, **Каримова В.** психология
фанлари доктори, профессор, **Юлдашева Ш.** юридик фанлар номзоди,
Шорахметова У. юридик фанлар номзоди.

Мазкур қўлланма мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизимида муҳим институтлардан бири ҳисобланган оила ва никоҳ масалаларига ба-
вишланган бўлиб, унда никоҳ тузишга қўйилган талабларнинг тари-
хий ривожланиши ва унинг мазмун-моҳияти, никоҳ тузиш шартлари
бўйича шахсий ва биологик характердаги ҳолатлар мазмуни, оила ва
никоҳга психологик назар, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолат-
лар ҳамда никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг ҳуқуқий оқибатлари
каби масалалар ёритилади.

Қўлланма кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-394-47-6

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2012 йил.

КИРИШ СЎЗИ

Мустақил тараққиёт ва ривожланиш йўлидан бо-
раётган Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий-демок-
ратик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш
жараёнида унинг яхлитлигини кафолатловчи оила
институтини мустаҳкамлаш борасида истиқболга
йўналтирилган аниқ сиёсат олиб борилмоқда. Амалга
оширилаётган ислохотларнинг барчаси оила ва ҳар
бир фуқаронинг манфаатини ижтимоий жиҳатдан
қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан аҳамият-
лидир.

Мамлакатимизда оилага жамиятнинг асоси, му-
ҳим бир бўғини сифатида қаралади, бу нафақат шах-
сий масала, балки у ижтимоий аҳамият касб этади.
Зеро, комил инсон — ҳар томонлама фаровон, бека-
му кўст, соғлом оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом
авлодни вояга етказиш, соғлом оилавий муҳитни шакл-
лантириш давлат сиёсатининг устувор масаласи си-
фатида эътироф этилгани бежиз эмас. Президенти-
мизнинг таъбири билан айтганда, «Соғлом оила ву-
жудга келиши учун, энг аввало жамият ва давлат
қайғуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шун-
дагина мустаҳкам оила дунёга келади. Оила соғлом
бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-
осойишта бўлади».

Давлат миқёсидаги масала сифатида оила инсти-
тутининг ҳуқуқий асослари аввало Ўзбекистон Рес-
публикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.
Бош Қомусимизга мувофиқ оила жамиятнинг асосий
бўғини ҳисобланиб, у жамият ва давлат муҳофазаси-
дадир. Асосий Қонунимизда бу борада белгиланган
устувор қоидалар қатор қонунлар, хусусан, Ўзбекис-
тон Республикасининг Оила, Фуқаролик ва Меҳнат

кодексларида, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги каби қатор қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган, оиланинг муқаддаслиги ва мустаҳкам бўлиши, унга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилиши ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Юқорида қайд этилган қонунлар ичида Оила кодекси алоҳида аҳамият касб этиб, у бевосита оилавий муносабатларни тартибга солиди. 1998 йилда қабул қилинган ушбу Қонун ҳужжати оилага дахлдор бўлган муносабатларни тартибга солишда халқаро тажриба, умумэтироф этилган халқаро тамойиллар билан бирга миллий анъана ва қадриятларга ҳам асосланганлиги билан аҳамиятлидир. Оила кодексининг қабул қилиниши натижасида, мамлакатимизда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар самараси ўлароқ, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида никоҳ-оила муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда янги сифат даражасига эришилди. Ўзбек халқига хос бўлган миллий қадриятлар ва анъаналар замонавий ҳуқуқшунослик тажрибалари билан уйғунлаштирилган ҳолда янги оила қонунчилиги шакллантирилди ва бугунги кунда никоҳ-оила муносабатларининг ҳуқуқий асослари ҳамда оила муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш механизмлари яратилди.

Оила жамият ижтимоий таркибининг муҳим бўғини сифатида ўзига хос ижтимоий вазифани бажаради. Айниқса, оилада бола тарбияси, кексаларга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик қилиш, эр-хотиннинг бир-бирига муомала маданияти, шарқона анъаналарни сақлаш ва уларга риоя қилиш каби муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий муносабатлар мужассамлашгандир.

Маълумки, оиланинг ҳуқуқий асосини фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қонуний рўйхатдан ўтказилган никоҳ ташкил этади. Шариат қоидаларига асосан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас ва ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Қонуний никоҳ эр-хотиннинг ўзаро аҳдлашуви, иттифоқи сифатида муайян шартларга риоя қилиниб тузилади ва никоҳланувчилар ўртасида маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради.

Оилавий муносабатлар кенг қамровли бўлиб, улар нафақат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади, балки унда одоб-ахлоқ ва урф-одат қоидалари ҳам маънан амал қилади. Масалан, никоҳ тузилганлиги қонуний тарзда ФХДЁ бўлимлари ёки Бахт уйларида далолатнома ёзиш орқали қонуний мустаҳкамлаб қўйилса, уни маълум қилиш, эълон қилиш каби масалалар турли ҳудудларда ҳар хил одатлар асосида амалга оширилади (нон ушатиш, тўй тантанасини катта ёки кичик тарзда нишонлаш ва ҳ.к.). Оиладаги муносабатлар ҳам оила қонунчилигида эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги асосида мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, уларнинг ўзаро муносабатлари кўпроқ одоб-ахлоқ нормалари асосида ўрнатилади (оилада ёши каттанинг фикри ҳурмат қилиниши, эркак киши оила бошлиғи ҳисобланиб, унга ҳамма итоат қилиши ва ҳ.к.). Ана шулардан келиб чиқиб, никоҳланувчи шахсларга никоҳ тузилишининг ҳуқуқий асосларинигина эмас, унинг психологик жиҳатларини ҳам тушунарли, содда тарзда баён этиш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, оила қонунчилигида ўзига хос янгилик ҳисобланадиган «никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш»нинг никоҳ тузиш учун

аҳамияти, мазкур ҳолатнинг никоҳ тузиш жараёнига нисбатан таъсири, оила ҳуқуқи нуқтаи назаридан «никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш»нинг ҳуқуқий тавсифи масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Оила қуриш остонасида турганлар учун никоҳ тузиш шартлари, унинг тузилишига монелик қиладиган ҳолатлар, шунингдек, мумкин қадар кам учраши мақсадга мувофиқ бўлган никоҳдан ажралиш ҳолати ҳамда унинг ҳуқуқий ва салбий оқибатлари, бундай ҳолат юзага келганда эса ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар муҳим бўлиб, уларга бу борада аниқ йўналишлар бериш масаласи ўз долзарблигини йўқотмайди. Юқоридаги ҳолатларни атрофлича очиқ бериш мақсадида тайёрланган мазкур қўлланма азиз ўқувчиларга шу мавзуга оид саволларга жавоб топишда яқиндан ҳуқуқий ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги

НИКОҲ ТУШУНЧАСИ

Оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида ўзига хос ижтимоий вазифани бажаради. Оилалар қанчалик мустаҳкам бўлса, жамиятимиз шунчалик мустаҳкам бўлади, халқ ибораси билан айтганда, синчи мустаҳкам иморат қуламайди. Республикамизда оилага эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ёшларимизнинг соғлом ва мустаҳкам оила қуришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Оила жамиятнинг асоси ҳисобланади. Хўш, оиланинг асосини нима ташкил этади? Албатта, оиланинг ҳуқуқий асосини қонуний никоҳ ташкил этади. Чунки, фақат қонуний никоҳгина оилада эр-хотин ва болалар ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради.

Никоҳ ўзи нима, у келишув, битим, шартнома, аҳднома ёки бўлажак келин-куёв ўртасидаги иттифоқ-ми, деган саволлар туғилиши табиийдир.

«Никоҳ» сўзи арабча сўз бўлиб, «қўшилиш» деган маънони англатади. Унинг луғавий маъносига кўра, никоҳ бу икки жинсдаги шахсларнинг ўзаро розилик, ихтиёрийлик, тенглик, белгиланган никоҳ ёшига етганлик асосида аҳдлашиб тузиладиган иттифокидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида «Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади», дейилади. Мазкур конституциявий норма халқимизнинг азалий қадриятлари ва бой тарихий меросига мос келади, бинобарин, шарқ халқларида никоҳ ва оила тушунчалари азалдан муқаддас ҳисобланган. Тарихга назар солсак, асрлар давомида никоҳ диний қоидаларга асосланган. Аждодларимиз шаръий никоҳни ва унинг асосида тузилган оилани муқаддас деб билишган ва шаръий никоҳ шартларига қатъий амал қилишган. Уларга кўра, никоҳ

ахлоқий ва жисмоний покликни талаб қилган ва никоҳ аҳди инсонларга жуда катта масъулият юклаган. Оилада эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам ўз мажбуриятлари белгиланган, уларга амал қилмаслик жавобгарликни ҳам келтириб чиқарган. Ота-она шаръий никоҳ орқали ўзидан сўнг зурриёд қолдириб, наслни давом эттириши шарт ҳисобланган. Расулulloҳ Муҳаммад алайҳиссалом мусулмонларни оила қуриб, сўнг ўзларидан зурриёд қолдиришга тарғиб этганлар.

Ўзбек халқи томонидан асрлар давомида асраб келинаётган қадриятлардан бири — никоҳ қуришдан асосий мақсад бир-бирини тушуниб, елкадош, суянчиқ бўлиб яшаш ва комил, иймон-эътиқоди бутун, баркамол фарзандларни дунёга келтириш ҳамда келажакда уларнинг роҳат-фароватини кўришдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ёшларнинг никоҳга маънавий тайёрлик даражаси оила мустаҳкамлигининг муҳим гаровидир. Бу эса, ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш муҳим ижтимоий эҳтиёж эканлигини унутмасликни, оилада ва мактабда ушбу масалага доимо жиддий эътибор берилишини тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши аёллар учун 17 ёш, эркеклар учун 18 ёш қилиб белгиланган бўлса-да, мутахассислар 20 ёшдан сўнг никоҳга кириб, оила қуриш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашади. Чунки уларнинг оила қуришга тайёр бўлишлари, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар мазмунини ўзлаштириб олишлари жуда муҳим. Шуларга қатъий риоя қилиш билангина улар тузган оила мустаҳкам ва барқарор бўлади. Йигит ва қизнинг никоҳгача бир-бирини яхши билиши оила мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ

Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари белгилаб берилган бўлиб, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Шундай никоҳгина оила қурганлар ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Никоҳнинг тегишли давлат органида қайд этилиши никоҳ тузилганлигини исботловчи бирдан-бир қонуний далилдир.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳни тегишли давлат органларида расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар Оила кодексининг 13-17, 203, 212–217-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари»¹ билан тартибга солинади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органи ариза қабул қилганида никоҳланувчиларни никоҳни қайд этиш тартиби ва шартлари билан таништириши, эр-хотиннинг келгусидаги ва ота-она сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини уларга тушунтириши, тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма бериши керак. Никоҳланувчилар никоҳга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни яширганликлари учун жавобгар бўлишлари ҳақида огоҳлантириладилар.

Оила кодексининг 14 ва 15-моддаларига мувофиқ, никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари никоҳ тузишнинг асосий шартлари ҳисобланади.

¹ Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари. Т., «Адолат». 1999.

Никоҳни қайд этиш никоҳланувчилар томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ваколати берилган органларга, ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Бундай муддатнинг белгиланишидан мақсад, никоҳга кириш истагида оилавий ҳаёт бўсағасида турган шахсларнинг никоҳга кириш тўғрисидаги қарорининг қанчалик қатъийлигини яна бир бор синовдан ўтказишдан иборатдир.

Бу муддат давомида никоҳни қайд этишга монелик қиладиган баъзи ҳолатлар ҳам юзага чиқиши мумкин.

Оила кодексининг 13-моддасида узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкинлиги, алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу нормадан, шунингдек, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ҳақидаги қоидалардан келиб чиқиб, қуйидаги ҳолатлар бир ойлик муддатни қисқартириш учун асос бўлишини кўрсатиш мумкин:

- агар никоҳни қайд эттириш учун ариза берганлар узоқ вақт бирга яшаган бўлсалар;

- никоҳни қайд эттириш учун ариза берганларнинг ўзаро умумий фарзандлари бўлса ёки аёл ҳомиладор бўлса;

- куёв ёки келиннинг яқин қариндошларидан бири оғир касал бўлса;

- ариза берганлардан бири узоқ муддатга чет элга ёки келиб-кетиш қийин бўлган жойга хизмат сафарига жўнаётган бўлса;

- никоҳни қайд эттириш учун ариза берган куёв ҳарбий хизматга чақирилган ёки бошқа ҳолларда.

Турмушда эр-хотиннинг узок муддат қонуний никоҳсиз бирга яшаганлиги, ўртада умумий фарзанди борлиги ёки аёлнинг ҳомиладорлиги узрли сабаб ҳисобланиши мумкин.

ФХДЁ органи мудирини узрли сабаблар бўлганда, аризачиларнинг илтимосларига кўра бир ойлик муддатни қисқартириши мумкин.

Бунда узрли сабабларни тасдиқловчи — болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, тиббиёт муассасасининг келиннинг ҳомиладорлиги ҳақидаги маълумотномаси, хизмат сафари тўғрисидаги ва шу каби ҳужжатлар кўрсатилади.

Никоҳни қайд этиш муддатини қисқартириш юзасидан ариза келин ва куёвнинг ҳар иккиси томонидан имзоланган ҳолда топширилиши лозим. Аризага муддатни қисқартиришга асос бўладиган ҳужжатлар илова қилиниши керак. Ариза ва тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи мудирини муддатни қисқартириши ёки рад этиши мумкин. Муддатни қисқартиришни эса аниқ ҳолатга қараб белгилайди.

Юқорида қайд этилганидек, алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунушга кўра юқори турувчи адлия органига мурожаат қилиниши мумкин.

Никоҳланувчилардан бири бетоблиги сабабли ФХДЁ органига кела олмаган истисно ҳолларда никоҳ шифо-

хонада, уйда ёки бошқа тегишли жойда никоҳланувчи иккала шахснинг иштирокида амалга оширилади.

Никоҳни қайд этишда гувоҳларнинг сони икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

Никоҳга киришни хоҳловчилар ариза бериш чоғида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, илгари никоҳда бўлган шахслар эса, аввалги никоҳи бекор қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этиши лозим.

Оила кодексининг 217-моддасида никоҳ тузилганлигини қайд этишнинг алоҳида ҳоллари белгиланган. Тергов изоляторларида, озодликдан маҳрум этиш тартиқасидаги жазони ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслар билан тузиладиган никоҳни қайд этиш ушбу муассасалар жойлашган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи, фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳ тузганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, яъни бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар республика қонунчилигида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Никоҳ давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб, шунингдек, эр билан хотиннинг ва болаларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида қайд этилади.

НИКОҲ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 16-моддасида¹, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-моддасида никоҳ тузиш ихтиёрий эканлиги, никоҳ фақат никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина тузилиши мумкинлиги² белгилаб қўйилган.

Оила кодексининг 14-моддасида никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши, никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланиши белгилаб қўйилган. Никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш шарти унинг ихтиёрийлик ва тенглик тамойили асосида вужудга келганлигини таъминлаш билан бирга, оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишига ҳам имконият яратади. Никоҳнинг тузилиши учун берилган розилик чинакам бўлиши, у қўрқитиш, зўрлаш, алдаш ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккисига руҳан таъсир этилган ҳолатда берилган бўлмаслиги лозим.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

Ҳаётда учраб турадиган зўрлаш, қўрқитиш ёки алдаш каби хатти-ҳаракатлар кўпроқ ҳуқуқий онг ва маданиятнинг етарли даражада эмаслиги оқибатидан келиб чиқади. Зўрлаш, қўрқитиш, алдаш каби ҳолатларнинг аниқланиши никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади. Бундай хатти-ҳаракатлар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Никоҳ тузилиши учун никоҳланувчилар қонунда белгилаб қўйилган никоҳ ёшига етган бўлишлари шарт.

Юқорида айтганимиздек, Оила кодексининг 15-моддасига кўра, никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган. Бугунги кунда мутахассислар томонидан никоҳ ёшини кўтариш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда. Таълим тўғрисидаги қонунчилик талаблари ҳамда қизларнинг физиологик жиҳатдан оналикка тайёр бўлишлари нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу фикр асослидир.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ ёши давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан бир йилга қисқартирилиши мумкин.

Қонунда никоҳ ёшининг эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланиши мазкур ёшга тўлган шахсда никоҳ тузишга бўлган ҳуқуқнинг пайдо бўлишидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасига биноан, вояга етгунга қадар турмуш қурган шахс қонуний асосда никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати 18 ёшга тўлмасдан туриб никоҳдан ажралган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, суд вояга етмаган эр ёки хотиннинг 18 ёшга тўлгунига қадар ҳам тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

НИКОҲ ТУЗИШГА МОНЕЛИК ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар белгилаб қўйилган. Унга кўра қуйидаги шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди:

лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида.

Қонунда нега бундай чекловлар белгилаб қўйилганлигига батафсил тўхталиб ўтсак.

1. Лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра ҳар бир фуқаро битта никоҳда бўлиши мумкин. Якка никоҳлик тамойили бизнинг жамиятимизда мавжуд бўлган юксак ахлоқий қоидалардан келиб чиқади. Бундай қоида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичдаги никоҳ-оила муносабатлари талабларига жавоб беради. Бу қонуннинг бузилиши никоҳни ҳақиқий эмас

деб топишдан ташқари, қонунни бузган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

2. Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Никоҳ тузиш шартлари хусусида фикр юритганда қон-қариндошлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Оила кодексининг III бўлими «Қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш» деб номланган. Мазкур бўлимда кимларни қариндош деб аташимиз ва улар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар қандай вужудга келиши ҳақидаги масалалар ўз ечимини топган. Кодекснинг 57-моддасига кўра, бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи даражадаги қариндош ҳисобланади. Невара бобосига, бувисига нисбатан иккинчи даражадаги қариндош ҳисобланади. Эвара эса катта бобосига, катта бувисига нисбатан учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳоказо.

Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликнинг узоқ-яқинлиги қариндошлик даражаси билан белгиланади.

Ҳисоб аждодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон — улардан кейингисига қараб давом эттирилади.

Туғишган ака-ука ва опа-сингил қариндошликнинг иккинчи даражасида туради. Тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликнинг — учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса, қариндошликнинг тўртинчи даражасида туришади.

Ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, отаси бир, онаси бошқа ёки аксинча онаси бир отаси бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади.

Ёт аралашмаган қариндошликда ака-ука ва опа-сингиллар туғишган қариндошлар ҳисобланади. Ёт аралашган қариндошликда эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўғай қариндош ҳисобланади.

Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, никоҳ қанчалик беғона шахслар билан тузилса, туғилажак авлод шунчалик соғлом бўлади. Ёшларимиз никоҳга киришда ушбу тамойилга қатъий риоя қилсалар, ногирон фарзандлар дунёга келишининг олди олинган бўлар эди.

Фарзандликка олиш муносабатлари ҳам тўғри туташган қариндошликка тенглаштирилади. Оила кодексининг 16-моддасига биноан фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузилиши тақиқланади. Чунки фарзандликка олувчи шахслар ота-онага тенглаштирилади. Улар ўртасида

бошқача туйғу ва муносабат бўлиши ахлоқ нормаларига зиддир.

3. Лоақал биттаси рухият бузилиши (рухий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди (Оила кодексининг 16-моддаси). Чунки бундай шахслар ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатига тўла жавоб бера олмайдилар ва никоҳ тузишга онгли равишда ўз хоҳишларини ҳам изҳор эта олмайдилар. Бу қоида никоҳланувчиларнинг ихтиёрий ва ўз хоҳишига кўра никоҳ тузиш тамойилидан келиб чиқади. Қонунчиликда бундай тартибнинг белгиланиши келажак авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида давлат гамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Никоҳга кирувчи шахс фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ариза топширгандан сўнг, никоҳни қайд этиш муддатигача суд томонидан рухий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилса, бундай ҳолат никоҳ тузилишига монелик қилувчи ҳолат ҳисобланади.

Агар никоҳ қайд этилгандан сўнг эр-хотиндан бири белгиланган тартибда муоамалага лаёқатсиз деб топилса, бу ҳолат никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди. Суднинг эр ёки хотинни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги қарори бундай шахс билан тузилган никоҳни бир томоннинг аризасига кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида ажратиш учун асос бўлади.

Оила кодексига янги норма сифатида «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш» тўғрисидаги 17-модда киритилди. Мазкур моддада никоҳланувчи шахсларнинг давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтишлари белгилаб қўйилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низом» қабул қилинди. Мазкур Низомнинг амал қилиши никоҳланувчи шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ФХДЁ органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган барча никоҳларга жорий этилади, 50 ёшдан катта шахсларнинг никоҳини рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, ушбу шахслар тиббий кўрикдан фақат уларнинг розилигига кўра ўтказилади.

Низом талабларига мувофиқ никоҳланувчи шахслар қўйидаги касаллик турлари: психик, наркологик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ / ОИТС бўйича тиббий кўрикдан ўтадилар.

Тиббий кўрикдан ўтиш муддати никоҳланувчи шахслар тиббий муассасага мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак.

Никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтишларининг афзаллик жиҳатлари шундаки, юқоридаги касалликларни инсон учун ниҳоятда хавфлилигини назарга олган ҳолда, қонун никоҳланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга, келажак наслнинг соғлом дунёга келишини ҳам кафолатлайди.

НИКОҲНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ АСОСЛАРИ

Никоҳни қайд этишга ҳуқуқи бўлган ҳар бир давлат органи (фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи, никоҳ уйлари, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини, консуллик муассасаси)да никоҳ тузиш тартиби ва шартларига риоя этилган ҳолда

тузилиб, қайд этилган ҳар бир никоҳ қонуний тузилган никоҳ деб эътироф этилади.

Оила кодексига белгиланган никоҳ тузиш тартиби ва шартларининг бузилиши суд томонидан ушбу никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши мумкин.

Оила кодексининг 49-моддасига кўра, Кодекс 14–16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда (яъни, никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги бузилганда, белгиланган никоҳ ёшига етмаган шахслар билан никоҳ тузилганда, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар рўй берганда), сохта никоҳ тузилганда, яъни эрхотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги/ОИТС) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлади.

Бундан ташқари, никоҳ қуйидаги ҳолатлар бўйича ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

- а) яққа никоҳлилик тамойилининг бузилиши;
- б) никоҳ насл-насаб шажараси бўйича тўғри ту-ташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида тузилган бўлса;
- в) никоҳ муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган бўлса;
- г) никоҳланувчилардан бири ёки ҳар иккисининг оила қуриш мақсади сохта бўлса;
- д) никоҳ фарзандликка олган билан фарзандликка олинган шахслар ўртасида тузилган бўлса.

НИКОҲНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади. Бундай муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан даъво муддати қўлланилмайди.

Қонунчилик никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш масаласида даъво қилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвони шахсий ёки жамоат манфаатини кўзловчи ваколоти бўлган шахс қилиши мумкин. Улар доирасига никоҳ тузилиши туфайли ҳуқуқи бузилган эр ёки хотин, никоҳланувчиларнинг ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органи ва прокурор киради.

Ҳақиқий саналмаган никоҳларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, даъво қилувчи шахслар доираси белгиланади.

Никоҳ тузиш вақтида ўзаро розилик шартининг бузилиши натижасида мажбур этилган шахснинг шахсий манфаати бузилади. Шунинг учун мажбурлаш кимга нисбатан қўлланилган бўлса, ушбу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Шунингдек, фуқаронинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш мақсадида давлат вакили — прокурор томонидан ҳам судга даъво аризаси тақдим қилиниши мумкин.

Никоҳ тузган шахс никоҳ ёшига етган бўлса, унинг ўзи, ота-онаси ёки васий (ҳомий) ва прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин.

Сохта никоҳ тузилганда, уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида прокурор ёки эр-хотиндан бири даъво

қўзғатиши, оила қуришни мақсад қилмай никоҳ тузилган ҳолатда эса, алданган томон ёки аниқланган ҳолатлар бўйича прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қўзғатиши мумкин.

Руҳий касал ёки ақли заиф шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво-ни муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг ота-онаси, васийлик ва ҳомийлик органи ёки прокурор қўзғатиши мумкин. Қонунчиликда мазкур шахсларга муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган.

Амалдаги қонунларга асосан, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўрилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича кўриладиган иш никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишнинг кўрилиш тартиби бўйича ҳам фарқ қилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан никоҳдан ажратишнинг бир-биридан фарқли томони шундаки, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суднинг ҳал қилув қарори билан ҳал қилинса, никоҳдан ажратиш эса Оила кодексига белгиланган тартибда судда ёки ФХДЁ органларида амалга оширилиши мумкин.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида эр-хотинларнинг ўзлари (ёки улардан бири), шунингдек бундан манфаатдор бўлган шахслар (биринчи никоҳдаги эр-хотиндан биттаси ёки унинг номидан прокурор ва васийлик органи) даъво қилиши мумкин.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш никоҳдан ажратишдан фарқ қилади, чунки никоҳдан ажратиш ҳақида иш фақат эр-хотинларнинг ёки улардан бирининг ташаббуси билан қўзғатилади. Бундан ташқари,

никоҳни ҳақиқий эмас деб топишга эр-хотиннинг тириклик вақтида, шунингдек уларнинг вафотидан кейин ҳам (айниқса, агар даъвонинг мақсади мерос ёки пенсия олиш бўлса) йўл қўйилиш хусусияти билан ҳам никоҳдан ажратишдан фарқ қилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида суд қарорининг нусхаси (кўчирмаси) никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига юборилади.

Никоҳ тузишда оила қонунчилигида белгиланган шартлар бузилган ва монелик қиладиган ҳолатларга йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ажратиш йўли билан тугатилгандан кейин ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Чунки ҳақиқий бўлмаган никоҳ оқибатлари ажратиш йўли билан тугатилган никоҳ оқибатларидан бир қатор масалаларда фарқ қилади.

Амалдаги қонунлар никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг аниқ ҳуқуқий оқибатларини белгилайди.

Оила кодексининг 55-моддасига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун Оила кодексида белгиланган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Инсофли эр (хотин) ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича талаб қилишга ҳақли.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шундай никоҳдан туғил-

ган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундан кейин уч юз кун ичида туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди.

Инсофли эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтда танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақлидир.

НИКОҲДАН АЖРАЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Халқимиз оилани муқаддас билиб, уни ҳамиша кўз қорачиғидек асраб-авайлаган. Тарихга назар солсак, хусусан, шариат қоидалари амал қилган даврни олиб қарасак, ислом талоқни, оила бузилишини мақсадга мувофиқ иш деб ҳисобламайди. Иложи борича, оилани бузмай сақлаб қолишни тарғиб қилади.

Шунинг учун ҳам халқимиз оила бузилишини энг номақбул иш сифатида қоралаб келган. Оилани муқаддас деб билиш унинг тинчлиги, бутунлигини сақлаш миллий қадриятга айланган. Шу мақсадда оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича доимий чора-тадбирлар кўриб келинади. Бироқ ўзаро келишмовчилик ёки бошқа сабаблар билан ажралиш ҳолати жиддий юзага келганда ажралишнинг ҳам шаръий асослари мавжуд бўлган ва зарурат туғилганда бу асослар татбиқ этилган.

Оилани муқаддас билиш бугунги кунда ҳам халқимиз қарашларида бардавом бўлган эзгу жиҳатдир. Шунга қарамасдан ҳаётда оилавий муносабатларда келишмовчилик юзага келиб, никоҳ бекор қилинса, уни қонуний йўл билан тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Оила кодексининг 7-бобига кўра, никоҳ қуйидаги учта асосдан бирининг рўй бериши натижасида тугатилади:

биринчидан, эр-хотиндан бири вафот этса ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилса;

иккинчидан, эр-хотиндан бири ёки уларнинг бир-галикдаги аризасига асосан;

учинчидан, эр ёки хотин томонидан ёзилган аризага мувофиқ суд улардан бирини муомалага лаёқатсиз деб топса.

Оила кодексига асосан эр-хотиндан бирининг вафот этиши ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши билан никоҳ муносабатлари тугайди.

Никоҳнинг тугатилиши дейилганда, аниқ шароитдаги ҳодиса ва бошқа юридик фактлар: вафот этиши, суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши, никоҳдан ажратиш туфайли эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг тугатилиши тушунилади¹.

Оила кодексининг 37-моддаси 1-қисмида никоҳ тугатилишининг икки асоси, яъни эр ва хотиндан бирининг вафот этиши ва улардан бирининг вафот этган деб эълон қилиниши эканлиги белгиланган. Вафот этиш юридик факт бўлиб, эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатларини тугатади. Фуқароларни суд қарори билан вафот этган деб топиш ўз оқибати жиҳатидан ўлимга тенглаштирилади. Шунга кўра вафот этган шахс билан унинг эри (хотини) ўртасидаги никоҳ ҳам тугатилди. Шу боис никоҳнинг тугатилиши махсус равишда расмийлаштиришни талаб этмайди. Бундай ҳолда тирик бўлган томон янги никоҳга ўтиш ҳуқуқига эга. Эр-хотиндан бирининг вафоти тўғрисидаги тиббий муассасанинг маълумотномаси ёки ўлганлик фактини исботлайдиган бошқа маълумотлар фуқаролик ҳолати

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. Т., «Адолат», 2000 йил, 80-бет.

далолатномаларини ёзиш органига вафот этганлик тўғрисида гувоҳнома бериш учун асос бўлади.

Оила кодексининг 37-моддаси 2-қисмига мувофиқ эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккисининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр(хотин)нинг васийси берган аризасига мувофиқ никоҳ тугатилиши мумкин.

Эр ёки хотиндан бирининг вафот этиши ёки вафот этган деб эълон қилиниши ҳаёт қолган эр ёки хотиннинг никоҳ натижасида келиб чиққан барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини бекор қилмайди. Масалан, вафот этиш никоҳ натижасида вужудга келган эр-хотин ўртасидаги биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқини вужудга келтиради. Шу билан бирга, ҳаёт қолган эр ёки хотин никоҳга киришда олган фамилиясини сақлаб қолиши мумкин.

Никоҳдан ажралиш никоҳнинг тугатилиши учун муштарик юридик фактдир, у эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатни келажак вақт учун тўхтатишга асос бўлади. Лекин, никоҳ натижасида вужудга келган баъзи ҳуқуқлар никоҳдан ажралгандан кейин ҳам сақланиб қолиши мумкин. Масалан, эр-хотиннинг бир-бирига алимент бериш мажбурияти ажралишдан кейин ҳам сақланса, никоҳ тузиш вақтида қабул қилинган фамилиясини ажралишдан кейин ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик масаласи фамилия эгаси ихтиёрида бўлади.

Ажралиш йўли билан никоҳ фақат қонунда белгиланган тартибда, махсус давлат органлари суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ҳал қилиниши мумкин.

Никоҳдан ажратиш эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ амалга оширилади.

Никоҳдан ажралиш никоҳни ҳақиқий эмас деб топилган фарқ қилади. Никоҳдан ажралишда никоҳ ву-

жудга келган вақтдан бошлаб вужудга келган барча ҳуқуқий муносабатлар тугалланмайди. Бу борада қонунда белгиланган шартларнинг мавжудлиги, Оила кодексининг 117–121-моддалари, эр-хотиннинг ва собиқ эр-хотиннинг алимент мажбуриятларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 38-моддаси бевосита никоҳдан ажратиш тартибига бағишланган. Ушбу модда никоҳдан қайси органда ва қандай тартибда ажратиш мумкин деган саволга жавоб беради.

Оила кодексига никоҳдан ажратишнинг икки тартиби белгиланган:

1. Суд тартиби бўйича никоҳдан ажратиш;
2. ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва Фуқаролик-процессуал кодексларида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади.

Миллий қонунчилигимизда оилада бола манфаатларини муҳофаза қилиш устувор қилиб белгиланган. Шунинг учун ҳам никоҳдан ажралиш тўғрисида талаб қўйишда эрга нисбатан жиддий тўсиқлар ҳам мавжуд. Яъни, Оила кодексининг 39-моддасида эрнинг никоҳдан ажратиш тўғрисида талаб қўйишини ман этадиган ҳоллар белгиланган бўлиб, унга кўра, хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Оила кодексининг 42 ва 218-моддаларига мувофиқ, ФХДЁ органи мулкӣ низолари ҳамда вояга етмаган фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинганлари) бўлмаган эр-хотинлардан никоҳдан ажралиш

тўғрисидаги аризани қабул қилади¹. Яъни, вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади. Бироқ, эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли эканлиги қонунчиликда мустаҳкамланган. Бунда оилада эр ва хотиннинг оила қонунчилигида белгиланган мажбуриятларини таъминланиш механизми эътиборга олинган.

Шу билан бирга, Оила кодексининг 43-моддасида эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича ҳам фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажралиш мумкинлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамланган. Унга кўра, агар эр-хотиндан бири:

- суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;
- суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;
- содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади. Бундай ҳолда ҳам агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаё-

¹ Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қондалари. Т., «Адолат», 1999 йил, 30–31-бетлар.

қатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

Юқорида таъкидланганидек, қонунчилигимизда оилада бола манфаатларини ҳимоя қилиш ва эр-хотиннинг мажбуриятларини таъминлаш мақсадида қонун никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш вақтида суд томонидан қўйидаги масалалар ҳал этилиши шартлигини белгилаб қўйган (Оила кодексининг 44-моддаси):

- никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда эр ва хотин вояга етмаган болалари ким билан яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга доир келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, шунингдек ушбу келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда, суд:

- никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши;

- вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши;

- эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши;

- эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.

Мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда, суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, никоҳ ва оила муносабатлари қадимдан ўзбек халқи учун ор-номус, шаън ва қадр-қиммат рамзи ҳисобланган. Оилалар тинч ва тотув, аҳил-иноқ ҳамда ҳамжихат бўлсагина шу давлатда, шу жамиятда доимо осойишталик ҳукм суради. Бундай оилаларда дунёга келаётган фарзандлар баркамол ва соғлом бўлиб, юрт равнақи, эл фаровонлигига келажакда ўз ҳиссаларини қўшадилар.

ОИЛА ВА НИКОҲГА ПСИХОЛОГИК НАЗАР

Оила Шарқда азал-азалдан қадрланиб келинган. Биз ўз ҳаётимизни, борлигимизни, бахт ва камолотимизни оиламизсиз тасаввур қила олмаймиз. Оила атрофидаги муҳит, фаровонлик шахсий тушунчаларнинг қанчалик мукамал шаклланганлиги билан ҳам боғлиқдир. Шу боис ҳам оиланинг жамият ва алоҳида инсон ҳаётидаги аҳамиятига урғу берган Юртбошимиз И.А. Каримов «Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради», деб бежиз таъкидламаганлар.

«Оила» атамасининг нафақат ҳуқуқий, балки том маънода ижтимоий ва психологик маъноси борки, унда

аввало у ҳар бир одам учун туғилиш, яшаш даргоҳи эканлиги ифодаланади. «Оила» тушунчаси аслида арабча «аёлманд, ниёзманд» маъноларини англатувчи «оил» сўздан келиб чиққан бўлиб, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўз: «Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчилар, хонадон», деб изоҳланган.

Демак, оила — инсоний муносабатлар мужассам бўлган муқаддас даргоҳ. Унинг тинчлиги, фаровонлиги ва мустақамлиги оилани ташкил этувчиларнинг аввало юқорида таъкидланганидек, қонун нормалари доирасида ўз ҳуқуқ ва бурчларини етарли даражада онгли равишда адо этишларига, балки жамиятнинг аъзоси сифатида, бизнинг муҳитимизда маҳалла, қариндош-уруғлар ўртасида оддий инсоний одоб ва ахлоқ нормалари доирасида ўз хатти-ҳаракатларини маромида адо этишларига боғлиқ бўлган фаолият назарда тутилади. Бошқа турдаги инсоний фаолият турларидан фарқли равишда оилавий муносабатларни ташкил этувчи хатти-ҳаракатларда бир томондан, эр ва хотин сифатида қонунда белгиланган нормалар (масалан, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси ва б.)нинг қоидалари, иккинчи томондан, икки шахс ва уларни бирлаштирувчи туйғулар, меҳр-муҳаббат ва одамгарчилик тамойилларидан келиб чиқадиган ижтимоий нормалар доирасидаги хулқ андозалари ўз аксини топади. Шу боис ҳам ҳар бир никоҳланувчи шахс қонуний нормалар билан чамбарчас боғлиқ бўлган психологик фаолиятга алоқадор айрим муҳим масалалар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Оила аъзолари ўртасида содир бўладиган мураккаб ва серқирра ўзаро муносабатлар кўплаб олимлар, шу жумладан, ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилган. Уларда кўпроқ ўзбек оиласига хос урф-одат-

лар, удумлар, анъаналар нуқтаи назаридан оилавий муносабатларнинг этнопсихологик қирралари тадқиқ этилган. Лекин оила институтининг ижтимоий воқелик сифатидаги қонуниятларини таҳлил этар эканмиз, бу ўринда оилавий ўзаро муносабатларга хос бўлган муносабатларнинг психологик табиатига, келиб чиқиши ва динамикасига эътиборни қаратиш жоиздир.

Аслида «оила» тушунчасининг илмий маъноси замирида икки инсоннинг яқин қариндошликка асосланган муносабати, ахлоқий масъулият, ўзаро ҳурмат, тушуниш ва меҳр-муҳаббат, садоқат каби умумий инсоний хислатлар асносида ўзаро боғланган кичик ижтимоий гуруҳ назарда тутилади. Ушбу гуруҳнинг бошқа турдаги ижтимоий гуруҳлардан (масалан, ўйин, ўқиш, меҳнат фаолияти ва яшаш жойидаги мулоқотлар учун тўпланган инсонлар гуруҳларидан) фарқи шундаки, оила:

- биринчидан, кўп ва узоқ муддатга, яъни, бир неча ўн йиллар ва кўп йилларга мўлжалланган биргаликдаги турмуш фаолиятини назарда тутати;

- иккинчидан, оиладаги ўзаро муносабатлар серқиррадир, яъни, ота-она билан фарзанд, эр билан хотин, қайнона билан келин, фарзандлар орасида ва бошқа муносабатлар оиладаги аъзолар сонига мос равишда ортиб бораверади;

- учинчидан, оила муҳитидагина тарбиявий, психологик, молиявий, ҳиссий, жинсий, репродуктив (фарзанд кўриш) ва бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши кузатилади;

- тўртинчидан, оиладаги барча муносабатлар замирида салбий ёки ижобий ҳолатлар юзага келади, яъни, оила аъзоларининг бир-бирига таъсири туфайли уларда яхши хислатлар ёки ёмон хислатлар шаклланиши мумкин.

Рус олими А.И. Антоновнинг таъкидлашича, энг мустаҳкам никоҳга сабаб бўлган муносабатларда иккала томон ҳам шахс сифатида тобора такомиллашиб, сайқал топиб, уларда ўзаро меҳрга, бир-бирига ёрдам беришга иштиёқ ортиб бораверади. Кўплаб ўтказилган тадқиқотлар бўйича олимларнинг таъкидлашлари, эр-хотинлик алоқалари етук инсон учун энг аҳамиятли ва ҳаётий зарур бўлган муносабатлардир.

ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

Ўзбекистонлик олимларни қизиқтирган муҳим масала — мустаҳкам, бахтли никоҳни ташкил этувчи восита нима эканлигини аниқлашдир. Шуниси характерлики, ҳар бир инсон ўз олдига оила қуриш, никоҳга киришни мақсад қилиб қўяр экан, у аввало, никоҳ ва оила борасида халқ орасида шаклланган тасаввурларга таянади. Никоҳга кирган жуфтлик доимо никоҳ тушунчасига алоқадор бўлган қатъий доиралар ва нормалар дунёсида яшайди, лекин ҳар бир жуфтликнинг ҳаёти ўзларигагина алоқадор бўлган ўзига хос пинҳона, сирли оламдир. Зеро, икки индивидуалликнинг бирлашувига сабаб бўлган ҳис-туйғулар бир қарашда ўша пинҳоналик сабабли зарар кўраётганга ўхшайди. Баъзан эр ва хотин бир-бирига нафақат характер нуқтаи назаридан, балки ташқи кўриниш бўйича ҳам ўхшаб кетади, дейишади. Иккинчидан, айни шу бирлик, ўхшашлик, «кириб кетишлик» эрни ҳам, аёлни ҳам жамиятда ўзига хос бир жозибаторликка эришиб бораётганлигининг намоён бўлишига туртки бўлади. Шу боис бўлса керак, ижобий ҳислар туфайли ташкил бўлган оилада севиш-севилишнинг нафрат-

агрессияга алмашилиб кетиши ҳам осон кечади. Арзимаган нарсалар ҳам баъзан иккаласини уриштириб қўйиши мумкин. Бундай поляр, бир-бирига зид ҳиссиётларнинг намоён бўлиши айрим даврларда униси ёки бунисининг кучайиб кетишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, аёл фарзанд кўрган вақтида кўпроқ чақалоқ билан овора бўлиб, эрига бефарқ бўлиб қолади, ўз навбатида унда ҳам аёлига нисбатан бефарқлик (хаттоки, рашк, нафрат) ҳисси уйғониши, аксинча, муайян даврларда эса, иккаласи фақат бир-бирининг ишқида ёниб яшаши ҳам кузатилган. Демак, ҳар ким никоҳга кирар экан, аввало оилавий ўзаро муносабатларнинг ниҳоятда мураккаб, шу билан биргаликда ўзига яраша жозибатор эканлигини унутмаслиги, ҳар бир нормал оиланинг жамиятдаги мавқеи ва ўрни у бажарадиган роллар ва вазифаларнинг қанчалик муваффақиятли бажарилишига боғлиқлигини унутмаслиги лозим.

ОИЛАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Жамият учун аҳамиятли ҳисобланган ота-она ва бола муносабатлари, эр-хотин ва унинг яқинлари ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлиги оиланинг асосий вазифалари характеридан келиб чиқади. Илмий манбаларда унинг қўйидаги турлари фарқланади: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув), фелиоцитологик, наслни давом эттириш (ёки репродуктив), хўжалик-маиший, ўзаро ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлаш функциялари. Уларнинг энг муҳимларига эътибор қаратамиз.

Оиланинг коммуникатив вазифаси — оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган

эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Психологик тадқиқотларда таъкидланишича, турли ижтимоий йўналганлик, установакалар, ҳиссий маданият, одамнинг ахлоқий, маънавий ва психологик саломатлиги — оиладаги ўзаро, ички мулоқот характери, оиладаги катта аъзоларнинг мулоқотда психологик установакаларни намоён қилишлари, оиладаги ахлоқий-психологик иқлимга тўғридан-тўғри боғлиқдир. Демак, никоҳга кирган инсон аввало ўзида муомала маданияти, мулоқот қила олиш маданиятини шакллантира олган бўлиши керак.

Оиланинг рекреатив вазифаси — ўзаро бир-бирларига жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзолари дам олишини ташкил этиш билан боғлиқ вазифасидир. Оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг дам олишини ташкил этиш, оила аъзоларининг бевосита меҳнат, ўқиш ва бошқа ижтимоий фаолиятларидан холи ҳолда, яъни бўш вақтларни биргаликда ўтказишларини қандай ташкил қилишлари, унда буларнинг ўзаро муносабатлари характери қандай эканлиги бугунги кун оиласи мустаҳкамлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан ҳисобланади. Бўш вақт жамиятнинг ниҳоятда муҳим ижтимоий қадриятларидан биридир. Бу қадриятдан одамлар турлича фойдаланадилар. Бўш вақтини мунтазам равишда қандай ўтказишига қараб ҳар бир одамнинг етуклик даражасига, маънавий дунёсига баҳо бериш мумкин. Оиланинг рекреатив вазифасини давлат ва ижтимоий ташкилотлар ўз зиммасига олмоқда. Одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш, қарияларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш (бизнинг миллий хусусиятларимизга ёт бўлса-да, қариялар уйларининг очилиши), одамлар дам

олишлари ва ўз соғлиқларини тиклаб олиш имкониятларини берадиган дам олиш уйлари ва санаторийларнинг очилиши кабилар шулар жумласидандир. Лекин шу билан бирга оиланинг ўз аъзоларининг ахлоқий-психологик ҳимояланганлигини таъминлашдаги роли тобора ортиб бормоқда. Чунки одам фақат ўз оиласидагина ва фақат ўз яқинлари қуршовидагина ўзини том маънода хотиржам, эркин ҳис қила олиши мумкин. Бу борада оиланинг ўрнини ҳеч бир ижтимоий муассаса боса олмайди.

Оиланинг релаксация вазифаси — бу оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, меҳнат қобилятини яна қайта тиклаш демакдир. Иш куни давомида кўтаринкилик, кучли зўриқиш билан ишлаган ходим, ишчи ишдан сўнг ўз уйида, оила аъзолари қуршовида бошқа ташвишларни унутиб, улар унга кўрсатадиган меҳр-оқибатдан баҳраманд бўлиб, улар билан бўладиган ўзаро мулоқот, улар томонидан бўладиган эмоционал қўллаб-қувватлаш, бериладиган далдалардан руҳий қувват олиб, эртанги кун меҳнат фаолиятига ўзини қайта тиклаб олиши лозим бўлади. Бунинг учун эса, унинг оиласида тинчлик, тотувлик, ўзаро тушуниш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ижобий психологик иқлим ҳукм сурмоғи лозим. Бундай вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар қандай оила учун оила бахтини таъминловчи мезон ҳисобланади. Акс ҳолда одам бу оилада эмоционал жиҳатдан, руҳий жиҳатдан ўзини қайта тиклаб ололмайди. Бу эса, оқибатда одамнинг меҳнат фаолиятида турли хатоларга, ишда сифатсизлик, асабийлик, турли касалликларга дучор бўлишига олиб келиши мумкин.

Оиланинг фелицитологик вазифаси — италянча «фелиците» — «бахт» сўзидан олинган бўлиб, оила

аъзоларининг шахсий бахтга эришишга интилиб яшашларини билдиради. Бу интилиш оилавий муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи бўлиб, бахтли-саодатли бўлиб яшаш ва қўша қариш истаги ҳар бир инсон учун табиийдир ва айни шу бахтга интилиш уларни оила қуришга ҳамда оилада яшашга ундайди. Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши — уларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди.

Оиланинг регулятив вазифаси — ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ўз ичига олади. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади. Оиланинг бошқарув вазифаси асосан ахлоқий меъёрлар, оила аъзоларининг шахсий обрўси ва биринчи навбатда ота-оналарнинг болаларга нисбатан бўлган муносабатларидаги обрўси кабилар ёрдамида амалга оширилади. Шунга кўра, баъзи оилаларда оилани бошқариш, унга бошчилик қилиш оила аъзоларининг қизиқиш ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, баъзи оилаларда эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида лидерликка интилиши натижасида оилавий низоларнинг ортиб бориши, болаларнинг ҳар томонлама эътибордан четда қолиши, натижада жиноятчилик кўчасига кириб кетиши кабилар кузатилади. Баъзи оилаларда аёл лидерлигининг мавжудлиги ўғил бола шахсида аёлларга хос хусусиятларнинг кўпайиб боришига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, оиланинг бошқарув вазифаси оила аъзоларининг ҳулқи, масъулияти, мажбурияти кабиларни ҳам бошқаришни, назорат қилишни ўз ичига олади. Одам оила қурганидан сўнг, албатта, унинг ижтимоий мавқеи ўзга-

ради. Энди у «уйланмаган йигит», «турмушга чиқмаган қиз» эмас, балки «оилали» одамдир. Шунга кўра у ўзининг хатти-ҳаракатлари, хулқини ҳам оилали одамга хос тарзда қайтадан кўриб чиқади. Оила куриш туфайли унинг масъулияти ортади. Эрнинг ва хотиннинг хулқи ҳам энди ўзига хос ички туйғу орқали бошқарилади.

Оиланинг репродуктив вазифаси — жамият аъзоларининг биологик узлуксизлигини таъминлаш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, ушбу жараёнга оид ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиш, оилани режалаштириш билан боғлиқ вазифасидир. Бу вазифанинг асосий моҳияти инсон наслини давом эттиришдан иборатдир. Оила фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, уларни инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлари билан таништириш, уларнинг саломатлигини сақлаб туришдан иборат. Табиатан берилган авлод қолдириш инстинкти одамда фарзанд кўришга, уларни ўстиришга ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжга айланади. Шунингдек, эр-хотинда фарзанд туғилиши билан боғлиқ ҳолда бутунлай янги ҳиссиётлар: аёлда — оналик, эркакда — оталик ҳисси пайдо бўлади. Фарзанд эр-хотин муносабатларини янада мустаҳкамловчи асосий омил ҳамдир.

Статистик маълумотларга кўра, агар ҳар бир оилада биттадан фарзанд бўладиган бўлса, бундай халқ саккизинчи авлоддан кейин йўқ бўлиб кетиши мумкин экан. Ҳар бир оилада икки нафардан фарзанднинг бўлиши ҳам аҳоли сонини сақлаб туришни таъминлай олмайди. Демографларнинг таъкидлашларича, оила ўзининг репродуктив вазифасини бажариши учун ҳар бир оилага ўртача 2-6 нафар фарзанд туғри келиши керак. Бу ўринда ҳукуратимиз томонидан

юритилаётган демографик сиёсат, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади. Бундай сиёсатнинг асосий йўналишлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш, ёш оилаларга, оналарга яратилаётган имтиёзлар ва шу қабилардан иборат.

Психологик нуқтаи назардан оиланинг мустаҳкам бўлиши ва эр-хотиннинг бахтиёр яшашлари учун фарзанд туғилишининг аҳамияти жуда катта. Зеро, фарзанднинг туғилиши муносабати билан оилавий муҳитда қуйидагича ўзгаришларнинг рўй бериши кутилади:

- «куёв-келин», «эр-хотин» мақомидаги икки шахснинг бир-бирларига қариндошлик ришталарини кучайтириб, уларни ота-оналик мақомига кўтаради. Бола туғилган кундан бошлаб, эр ва хотин биологик жиҳатдан қариндошларга айлангани чин бўлиб, бири «Ота» ва яна бири — «Она»га айланади, улар ҳаётида туб бурилиш бошланади, мутлақ янги ролга киришиб, янгича муносабатлар учун йўл очилади;

- янги чақалоқ эр ва хотиннинг ҳиссиётларини янада жунбушга келтириб, уларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлайди, меҳр-муҳаббатини янада очикроқ, самимийроқ ва илиқроқ изҳор қилишга имкон беради. Бу аввало фарзандни кучиш, ўпиш, суйиб, бағрига босиш, у билан эртаю-кеч яхши маънода «овора» бўлишлардан бошланади. Аксарият эр-хотинлар фарзанд кўргач, бир-бирларига янада эмоционал жиҳатдан яқинлашиб, ишқ-муҳаббатлари янада тобланади, психологик жиҳатдан янада бир-бирларига яқинлашадилар;

- фарзанд ота-онасининг саводини ва маданий савиясини янада оширади, чунки аввало болани соғсаломат парвариш қилиш, уни у ёки бу малака ва

кўникмаларга ўргатиш, «у нима?», «бу нима?» каби юзлаб саволлари пайдо бўлган даврда саволларга ўринли жавоб бериш, боғчага, кейинчалик мактабга олиб бориш, уй вазифаларини бажаришга кўмаклашиш кабилар онани ҳам, отани ҳам боласидан ақллироқ, зуккороқ бўлишга ундайди, бола олдида уялиб қолмаслик учун ота-она ўз сўз-фикрларини тўғрилашга, газета-журнал, эртак, бадий ва бошқа турдаги китобларни ўқиб, билимини оширишга мажбур бўлади. Ҳозирги кунда — тараққиёт асрида, интернет замонида замонавий ота ва она компьютер орқали болани соғлом ва ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш учун соатлаб янги маълумотлар қидиради, китоб дўконларидан мавзуга оид китобларни қидириб топиб, мутолаа қилади. Шунинг учун ҳам ўз ақлий салоҳиятининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги учун ота-оналар фарзандларидан миннатдор бўлишлари лозим.

- фарзандлар ота-онасининг юриш-туришидаги айрим камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишга ҳам кўмаклашади, шу маънода улар ўзига хос «назоратчи»ларга ўхшайди. Кўпчилик эр-хотинлар фарзандига ёмон таъсир қилишини билиб, уларнинг олдида жанжаллашишдан, ҳақорат қилиб юборишдан ўзларини тиядилар ёки муносабатларидаги тарангликларни ёзиш учун бола ухлашини пойлаб, ўзлари уйқуга кетиб, жанжаллашиш ҳам долзарб бўлмай қолади. Эр ва хотин хафагарчиликларни ҳам унутиб, эрталаб яна яхши кайфиятда бир-бирлари билан саломлашиб, гаплашиб кетаверадилар. Бу ўринда фарзанд ахлоқий ва этик нуқтаи назардан «назоратчи» ва психологик маънода «психотерапевт», психокорректор ролини ўйнайди. Фарзандини чиндан севган ота-она унинг манфаатини ўйлаб, кўплаб зарарли одатларидан, кечалари юришлардан, онаси эса ортиқча пардоз-андозлари-ю, зеб беришлардан ўзларини тиядилар;

- бола психик ривожланиши даврида инсон ҳаётида бўладиган барча босқичлардан ўтгани сабабли унинг ёнида бўлган катталар иккиламчи болаликларини бошдан кечирадилар, хотираларида ўз ёшлигини эслаб, ўз ота-оналаридан ҳам миннатдор бўладилар, уларнинг кадрига етишларида боласи катта роль ўйлайди, шу тариқа авлодлараро алоқа яхши томонга ўзгаради;

- оилада пайдо бўлган янги меҳмон — фарзанд барча оила аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштиради, аввал ўйин фаолияти жараёнида, кейинчалик дарс тайёрлашда, касб-ҳунар танлаш ва ниҳоят, оилавий хўжалик юритишда (қизлар онаси ёнида, ўғил болалар отаси билан чорбоғда, ҳовлида ёки биргаликда бошланган тадбиркорлик ишларида ва ҳоказо.) ота-оналар билан бирга бўлиб, уларни ҳамжиҳатликка, аҳилликка ўргатади. Анъанага кўра, азалдан ўзбек оиласида фарзандлар кўп бўлган, улар чорва молларини боқиш, ер участкаларида ишлаш, иморат қурилишларига ёрдам бериш орқали ота-оналар «ёнига кириш»ган, барча оила аъзолари бир бўлиб, ҳамкорликда ишлашга ҳам ўрганадилар;

- фарзанд ота-онасининг кексалигида мадакдор, таянч ва суянч ролни ўйнашини барчамиз биламиз, фақат бунинг учун унга ўз вақтида, ёшлигидан яхши тарбия беришимиз, бола маънавий оламини бойитиб боришимиз лозим.

Демак, ёш оиланинг мустақил ҳаёт йўлидан тегиз одим ташлаши учун унда соғлом ва ақлли фарзандлар дунёга келиши керак ва ота-она унинг муносиб тарбияланишини ўзлари учун энг муқаддас ва шарфли вазифа деб билишлари лозим.

Оиланинг тарбиявий вазифаси — болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиясига оила-

да асос солинади. Оиладаги тарбия орқали шахсга маълум бир сиёсий-ғоявий дунёқараш, ахлоқий меъёрлар ва хулқ намуналари, жисмоний сифатлар сингдирилади. Ота-онанинг ўрнатилган намунаси энг таъсирчан ва самарали тарбия воситасидир. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, фарзанднинг оилада дунёга келиши ҳам ота-она ва шу авлод учун шу қадар муҳим воқеаки, у ўзининг дунёга келиши билан ота ва она ни ҳам ижобий маънода тарбиялай бошлайди.

Оилавий тарбияда қандай ўзига хос қоидаларни билиш керак?

Таъкидлаш жоизки, оилада фарзанд тарбиясини олиб боришда ўзига хос қоидалар мавжуд бўлиб, бу қоидаларни ота-оналар билишлари, фарзандлар эса, унга риоя этишлари керак бўлади:

- оилада ота-оналар, фарзандлар ва бошқа аъзолари бир-бирларини севишлари, тушунишлари, ҳурмат қилишлари;
- ўқиш, иш, меҳнат қилишга асосий эҳтиёж сифатида қараш;
- бекорчилик, дангасаликка берилмаслик;
- оилада қатъий кун тартиби ва режимга риоя қилиш;
- оилада катта кишиларни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш;
- оилада психологик хотиржамлик, соғлом муҳит яратиш;
- оиланинг ҳар бир кишисида мустақиллик, эркинлик, ўзига ишонч каби хислатларни шакллантириш.

Келтирилган қоидаларга амал қилиш, ўзаро муносабатларни яхшилашга, оилада соғлом муҳит яратилишига асос бўлади. Албатта, бунда ота-оналар ва катталарнинг намуна кучи, ибрати салмоқли ўрин эгаллашини ҳар доим ёдда тутиш лозим, чунки оиладаги бола ҳамиша атрофидагиларга тақлид қилишни хоҳлайди.

Оиланинг иқтисодий ҳолати — унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Оила иқтисоди, бюджети, даромадини режали сарфлаш, кундалик харажатга, зарур буюмларга пул ажратиш, бир неча йилдан сўнг олинадиган нарсаларга маблағ йиғиш, тежаб рўзгор юритиш эр-хотиннинг катта тажриба, малакага эга бўлишларига боғлиқ. Шунингдек, оилада, ўсаётган бола ҳам мана шу малака ва кўникмаларга эга бўлиб бориши зарурлигини унутмаган ҳолда болага иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўргатиб бориш лозим. Оила ўзининг шу вазифаси туфайли жамиятга, давлатга катта иқтисодий фойда келтиради. Масалан, бола тарбияси, болани иқтисодий таъминлаш борасида унинг жамиятга келтирган фойдаси катта миқдорни ташкил этади. Ҳозирги замон оиласида хўжалик ишларини юритиш, ишнинг йўлга қўйиши, моддий неъматлар ишлаб чиқариш, фермер хўжалиги, шахсий ишлаб чиқариш кабиларнинг ўсиб бориши, унинг жамият олдидаги иқтисодий вазифаси, аҳамияти янада ортиб бораверишини кўрсатади.

НИКОҲ ОЛДИ ОМИЛЛАР

Никоҳ олди омиллари қаторига оила қураётган ёшларнинг: оилавий ҳаётга етуклиги; уларнинг оила қуриш мотивлари; оила қургунларига қадар бир-бирларини танишлик муддати (қанча вақтдан буён бир-бирини таниши) шартлари ва шароитлари; ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкин. Албатта, бу омилларнинг ҳар бири турли ёшларда турлича характерда бўлиши мумкин, шу билан бирга, уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга фарқланади.

Никоҳга етуклик — оила қурувчи ёшларнинг ҳам жисмоний (физиологик), ҳам жинсий, ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий, маънавий-ахлоқий ҳамда психологик етуклик жиҳатларини ўз ичига олади. Буларнинг орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга эга бўлган ва булар ҳақида тегишли ҳуқуқий, тиббий, психологик адабиётларда кўплаб маълумотлар берилган жиҳатлар бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар биров мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади.

Никоҳга жинсий етуклик — қизлар ва йигитларда ўзига хосликка эга. Маълумотларга кўра, ҳозирги замон қизларида жинсий етуклик (балоғатга етиш) 12-14 ёшгача, ўғил болаларда эса, 14-16 ёшга тўғри келади.

Албатта, бу етуклик баъзи бир болаларда эрта-роқ, бошқа бирларида кечроқ рўй бериши мумкин. Бу кўрсаткичлар 2 ёшгача фарқ қилиши мумкин. Айрим тиббиёт олимлари болаларнинг тўла жинсий етилишлари учун яна 2-3 йил керак бўлади, деб ҳисоблайдилар. Жинсий етуклик одам анатомияси ва физиологияси нуқтаи назаридан етарлича аниқ ва равшан бўлган ҳодисадир. Бироқ, унинг психологик, ахлоқий жиҳатлари анча мураккаб. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга жинсий етуклиги дейилганда унинг физиологик нуқтаи назардангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдирмайди. Бундан ташқари, ҳар бир шахс жинсий ҳаёт психогигиенаси борасида ҳам зарур илмий психологик билимларга, тўғри тасаввурларга ҳам эга бўлмоғи зарур.

Никоҳга ҳуқуқий жиҳатдан етук бўлиб кириш — инсоннинг оила қуриш, фарзанд кўришга оид масъулияти ва бурчларининг муштараклигини билдиради.

Қонунчилигимизда баловат ёши 18 ёшдир. Вояга етганлик ва никоҳга кириш ҳуқуқи шахснинг бошқа қатор ҳуқуқлари ва уларни рўёбга чиқариш имкониятлари, жумладан, профессионал етуклик ёки касб-хунари етуклиги тушунчаси билан боғлиқдир.

Касб-хунари етуклиги — анча мураккаб тушунчадир. Унинг мураккаблиги шундаки, бир томондан у қандайдир билим юртини, ўқув курсларини битириш, яъни маълум бир иш турини бажариш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш билан белгиланади. Бирок, одам у ёки бу билим юртини (коллеж, лицей, техникум, институтни) битирганидан кейин ўзи танлаган касби бўйича бир неча йил ишлаб кўриши керак бўлади ва шундан кейингина унинг касб-хунари етуклиги ҳақида гапириш мумкин.

Шу билан бирга, баъзи бир касблар бўйича 19-20 ёшлардаёқ касб-хунари етуклигига эришиш мумкин бўлса, бошқаларда, масалан, хирург-врачликда кечроқ, 29-30 ёшга етганда бунга эришиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий етуклик — бунда никоҳга қирувчининг ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан мустақил таъминлай ола билиши назарда тутилади. Ёшларнинг, биринчи навбатда йигитларнинг оила қуришларида, уларнинг иқтисодий мустақиллиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳам турлича ёш чегаралари мавжуд, ёшларнинг айримлари 18-19 ёшидаёқ ота-онаси оиласидан иқтисодий мустақилликка эришиши мумкин, бошқалари эса, 25-30 ёшларида ҳам ота-оналарининг моддий ёрдамидан фойдаланадилар.

Ҳозирги замоннинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, оилавий бюджетнинг тўқислигида аёлнинг роли ҳам сезиларлидир. Чунки, аёл жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида касб-хунари инсон сифатида ҳам оналик, ҳам бекалик ҳамда рўзғор тўқисли-

гига ўз ҳиссасини қўшишни истайдиган шахс сифатида намоён бўлмоқда. Бунинг учун юртимизда барча шароитлар яратилган, йигит-қизларимиз малакали мутахассис бўлиб етишишлари, яратилган иш ўринларида тенг меҳнат ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари мумкин. Юртимизда уй меҳнати билан шуғулланаётганлар касаначилар учун ҳам жуда кўп имтиёзлар яратилган. Аёлларимиз қўлидаги ҳунари билан уйда ўтириб ҳам оила бюджетига ўз муносиб улушини қўшиш имконига эга, бунинг учун эса, унга қонун нормаларида белгиланган тартибда имтиёзлар ва меҳнат кафолатлари белгиланган.

ПСИХОЛОГИК ЕТУКЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ АҲАМИЯТИ

Психологик етуклик деганда шахснинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олиши назарда тутилади. Бу ҳушёрлик, амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш шахсда ўзининг ютук ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолай олишда ҳам намоён бўлиши керак. Афсуски, кўпинча ёшлар ўз қобилиятларини орттириб баҳолаб, ўз олдиларига эришиб бўлмайдиган мақсадларни қўйиб олиши ҳолларига дуч келамиз. Айниқса, оилавий ҳаётни тасаввур қилиш, унда ўз ўрнини баҳолаш масаласида ёшларимиз хато қилиши, ўзларини орттириб баҳолаши туфайли, оилавий ҳаётдан мумкин бўлганидан кўпроқ нарсани кутиш ҳоллари ҳам кузатилаётир. Натижада муваффақиятсизликлар, пушаймон бўлиш, асаббузарлик ҳолатлари юзага келади. Психологик етук шахс эса, аксинча, ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари етарли бўлган мақсадларни қўяди, ўз ҳаёт

йўлини, унга эришиш воситалари ва усулларини тўғри белгилайди. Бундай шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини етарлича яхши назорат қила билиши, яъни, ички интизомининг юқори ривожланганлиги билан характерланиб туради. Психологик етуклик бошқа одамларнинг хоҳиш-истаклари, кечинмаларини тушуниш билан маълум даражада боғлиқ. Бу ўз навбатида мулоқотнинг, ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилишига, оилада, турли гуруҳларда гормоник муносабатларнинг ўрганилишига имкон беради. Турли ёшдаги, мансаб, лавозим, тоифадаги одамлар билан, қизиқиши, одати, таъби, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган одамлар билан ўринли муносабатда бўла олиш — шахснинг психологик етуклигидаги асосий хусусиятлардан биридир.

Психологик етуклик, шахс хулқининг турли яшаш шароитларига мослашувчанлигида ифодаланади. Психологик етуклик шахснинг бошқа одамларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ғам-ташвишга шерик бўла олиш, ўзаро ёрдам кабилар тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларнинг таркибий жиҳатларини ўз ичига олади. Психологик етукликнинг муҳим мезонларидан бири шахсда оилавий муаммоларни адолатли хал этишга хизмат қилувчи ўз мустақил фикри, қараши, позициясининг бўлиши, зарур бўлганда оила манфаатида ўз қарашларини оналарни олдида ҳимоя қила олишидир.

НИКОҲ МОТИВЛАРИ ЁКИ НИМА УЧУН ОИЛА ҚУРМОҚЧИСИЗ?

«Мотив» ибораси психологияда маълум бир хулқ, фаолиятнинг юзага келишига асос бўлган куч, туртки, манба, асосни билдиради. Хўш, қандай мотивлар ту-

файли, нима сабабдан икки ёш никоҳ қуришга аҳд қилади? Психологик адабиётларда бир неча ўнлаб никоҳ мотивлари фарқланади. Лекин улар умумлаштирилган ҳолда учта классификацияга фарқланади.

Булар:

а) севги туфайли оила қуриш. Яъни, ёшлар оила қуришдан аввал бир-бирларини севиб, ёқтириб, маълум бир муддат севиб-севилиб юрганларидан сўнг ўзаро севги билан никоҳга кириши;

б) моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли оила қуриш. Бунда ёшлар оила қурар эканлар, ниманидир ҳисобга олган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзлаб оила қуришлари мумкин. Масалан, бойликни, мансабни, моддий ёки ижтимоий манфаатдорликни кўзлаган ҳолда: «Оила қурсам, икки киши биргалашиб, рўзғор юритишимиз осон бўлади», «Агар шу йигитга турмушга чиқсам, бой-бадавлат яшайман» ёки «Шу қизга уйлансам, унинг ота-онаси ёрдамида маълум бир мансаб, мавқега эришаман», деган фикрлар асосида ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволдан қутулиш, «ёлғизликдан қутулиш» ва бошқалар;

в) анъаналарни бузмаслик ёки стереотип қарашлар таъсирида оила қуриш. Бу тоифа ёшларда олдинги мотивларнинг иккаласи ҳам қузатилмаслиги мумкин. Улар оила қурар эканлар, стереотипларга қарайдилар. Бундай ёшлардан нима учун оила қурганликлари сўралса, одатда «Ҳамма тенгдошларим уйланаётганди, мен ҳам уйландим!» ёки «Ҳамма дугоналарим турмушга чиқишаётганди, мен ҳам турмушга чиқдим!», «Уйланмасам бўлмайди, ёшим катта бўлиб қолди» қабилида жавоб берадилар.

Санаб ўтилган учала мотив: севги, моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли, стереотип бўйича қурилган оилаларнинг қай бири мустаҳкамроқ бўлади, яъни

қайси мотив никоҳ, оила мустаҳкамлигини кучлироқ таъминлайди?

Албатта, бу саволга ёшларнинг аксарияти, биринчи мотивни, яъни севги мотивини танлаб жавоб беришди. Чунки, улар севги туфайли оила қуриш никоҳ мустаҳкамлигини таъминловчи энг ишончли, мустаҳкам пойдевор деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, севгининг оила мустаҳкамлигидаги ўрни беқиёсдир. Ҳақиқатан ҳам, севги — бу ўта қудратли кучдир. Инсоният ўз тараққиётида эришган энг юксак чўққилар ҳам севги туфайлидир. З. Фрейд таъкидлаганидек: «Севги — бу инсониятни ҳайвонот олаmidан суғуриб олган кучдир!». Инсон яратган буюк мўъжизаларнинг барчаси севги туфайлидир.

Демак, севги туфайли оила қуриш бахтли ва мустаҳкам никоҳнинг асосини таъминлайди. Лекин мустаҳкам оилада маънавий омилларнинг роли жуда катта. Ёшлар маънавий эҳтиёжлар ва уларнинг қондирилиши тўғрисида кўпроқ қайғурсалар бу эзгу одат, аввало, ўзларига, фарзандларига мерос бўлиб қолади, яъни, яхши маънавий ва маданий қадриятлар, китоблар, ижод маҳсуллари сифатида улар абадийдир, иккинчи томондан, асосан бундай эҳтиёжлар камхарж ва камчиқимдир. Муҳими, маънавияти юксак киши ҳаётда кам қоқилади, оила ва рўзғорида қут-барака бўлади, эл олдида юзи ёруғ, химмати баланд бўлади. Албатта, моддий эҳтиёжларни маънавий эҳтиёжларга қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Бу ҳақда Юртбошимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли китобида «инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламини бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли

бўлади»¹, деб таъкидлагани бежиз эмас. Чиндан ҳам, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, лекин оилавий ҳаётда мурасаю-мадора учун инсонда юксак қалб, самимий дил ва ширин лутф бўлса, ҳаёт сўқмоқларидаги қийинчиликлар икки кишининг онгли муомаласи билан барта раф этилиши мумкин. Шу боис, ёшлар оилавий ҳаётнинг инсон руҳиятига оид қонуниятларини, унинг маънавий асосларини яхши билишлари ва бу борада ўз салоҳиятларини умрининг охирига қадар ошириб боришлари керак.

ФАРЗАНД САЛОМАТЛИГИ — ОИЛА БАХТИ

Халқимизда «бола бошидан» деган нақл бор. Чунки, оила муҳитида боланинг тарбияси, ўсиши ва вояга етиши учун асос мавжуд. Соғлом муҳит, муносабатларидаги илиқлик, ўзаро тушуниш мавжуд бўлган оилада нафақат фаровон ва бахтли турмуш, балки, фарзанд ўстириш ва вояга етказиш муносиб амалга ошади. Шунинг учун фарзанднинг соғлом туғилиши, соғлом ўсиши, соғлом тарбияланиши ва ниҳоят соғлом фикрли шахс бўлиб шаклланиши ҳам оилага боғлиқ. Саломатлик — бу нафақат соғсаломат юриш дегани, балки, узоқ умр кўриш гарови ҳамдир. Туғилиш, ўсиб-улғайиш, вояга етиб, шахсий ва умуминсоний манфаатлар йўлида фаолият кўрсатиш, қариш-қартайиш ва ўлим — булар инсон ҳаёт йўлининг қонуний бекатларидир. Бу ҳаёт учун кураш — саломатлик учун кураш эканлигини англашни тақозо этади.

¹ **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч–Т.: Маънавият, 2008 - 67 б.

Бугунги кунда бутун дунёда саломатлик ва соғлом турмуш тарзига катта эътибор берилмоқда. Масалан, америкалик олимлар бу нарсага панжа ортидан қараш нимага олиб келади, деган саволга уларда кўпроқ агрессив хулқ-атвор кузатилишини таъкидламоқдалар. Яъни, хаста одам урушқоқ, жиззаки, салга тажанг бўладиган, сабрсиз бўлиб қолади. Бу нарса охир-оқибат гиёхвандикка берилиш, ичкиликка ружу қўйиш, оилада эр-хотин ўртасида носоғлом муносабатларнинг келиб чиқиши, аёлга нисбатан зуғумнинг ортиши, шахснинг ўз жисмоний тарбиясига нисбатан бефарқлиги, шахслараро зиддиятларни келтириб чиқаради.

Мустақил юртимизда кенг қулоч ёзаётган болалар спортини ривожлантириш, оилавий спортни миллий менталитетимиз хусусиятларига мос тарзда ҳаётга жорий этиш, мустаҳкам оилада соғлом турмуш тарзини барқарорлаштиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатларимиз ислохотларимиз стратегиясига мос бўлиб, юртимизда тинчлик, тотувлик ҳамда тараққиётга, ёш оилаларнинг мустаҳкамлигига қўшилган ҳисса бўлади. Бунда мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор хайрли тадбирлар, жумладан, келин-куёвларни никоҳ олди тиббий кўрикдан ўтказиш амалиёти жуда катта ижобий самара бераётир.

Оила Кодексининг 17-моддасида ёш келин-куёвлар никоҳгача ихтиёрий тарзда тиббий кўрикдан ўтишлари мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган. Оила кодексига модда киритилишининг моҳияти шундаки, имонли, инсофли ва яхши ниятли инсон учун оила қуриш, унинг пойдевори мустаҳкам бўлиши йўлида қайғуриш қанчалик муҳим ва мажбурий бўлса ёки ота-она бўлиш масъулияти кучли бўлса, ўзидан соғлом зурриёт қолдириш, уни соғ-саломат қилиб вояга етка-

зиш, тўғри тарбия бериш шунчалик масъулиятли ва мажбурий ишдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир йигит ва қиз ёки уларнинг ота-оналари янги оила қуриш ишини масъулиятли деб англасалар, никоҳга кирувчиларнинг пушти ва насли нуқтаи назаридан соғ-саломатлигига ишонч ҳосил қилиш шунчалик зурурдир. Тиббий кўриқдан ўтган ҳар икки ёш энг аввало ўз виждони олдида тоза бўлиши масаланинг бир томони бўлса, ҳали оила қурмай туриб, унинг саломатлиги ҳақида қайғураётганлиги уларда муқаддас никоҳга бўлган жиддий ва масъулиятли муносабатнинг намоён бўлишидир.

Айниқса, бугунги бозор муносабатлари шароитида ҳар бир оила аъзосининг соғлом бўлиши, янги туғилган фарзанднинг соғ ва саломат катта бўлиши қанчалик муҳим иқтисодий ҳамда маънавий масала эканлигини бугун ҳамма тушуниб етди. Президентимиз томонидан қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1096-сонли Қарор ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ–1144-сонли Қарор мамлакатимизда оилаларнинг ижтимоий барқарорлиги, фаровонлиги йўлида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада оширди. Шунингдек, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, ҳар томонлама етук авлодни вояга етказиш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга, соғлом турмуш тарзи олиб боришга интилишни шакллантириш каби муҳим вазифаларни амалда бажариш учун дастуриламал бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилган 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга кўра, барча фуқаролар ФХДЁ органларига никоҳга кириш учун ариза бергач, тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма олишлари ва белгиланган тартибда ўз саломатликларини текширтириб кўришлари шарт. Бунда бўлажак келин-куёвлар бешта асосий хасталик — сил, теританосил, гиёҳвандлик, ОИВ касаллиги (ОИТС), рухий касалликлар бўйича текширилади. Сабаби, бу бешта касаллик бевосита наслга таъсир қилади.

Кузатишлар ва амалиёт шунини тасдиқламоқдаки, никоҳ олди тиббий кўрикдан онгли равишда ўтиш, саломатликни асрашнинг айнан ўзимизга, оиламизга боғлиқ жиҳатларини билиш, болалар спорти, оилавий, оммавий спортни ривожлантириш, оилада соғлом яшаш тарзи кўникмаларини шакллантириш миллатни жисплаштирувчи, наслни покловчи, давлатни кучли қилувчи омил сифатида баҳоланмоқда.

Минг афсуски, ханузгача қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳлар оқибатида ногирон фарзандлар туғилаётир. Бу ҳолатларга бефарқ қараб, оила қуриш ва ногирон фарзанднинг хасталигини кўриб, бир-бирини айблаш, норози бўлишлар туфайли рўй берадиган никоҳ ажримлари ҳам, афсуски, учраб турибди.

Оила инсон туғилиши, ўсиши, вояга етиши ва тарбияланиши учун зарур маскан экан, оила ва оилавий муносабатларнинг объектив ва субъектив омиллари мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Объектив омилларга: оила аъзоларининг савияси, оиланинг таркиби, оила аъзоларининг сони, оиланинг моддий фаровонлиги, фарзандларнинг таълим-тарбия муассасалари (болалар боғчаси, мактаб, лицей, институт)га бориши,

оиланинг уй-жой билан таъминланиш даражаси (ҳовлили, маҳалладаги уй, кўп қаватли уй) кабиларни киритиш мумкин. Субъектив омилларга эса, оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини, ота-она ёки бошқа аъзоларнинг маълумот даражасини(ўрта, ўрта махсус, олий), ота-оналарнинг маънавий-маданий савия хислатларини, ота-онанинг муомала маданиятини ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Оиладаги объектив ва субъектив омиллар фарзанд тарбияси, унинг ўсиб-улғайишига бевосита таъсир қилади. Фарзанднинг комил инсон бўлиб етишиши оиладаги таълим-тарбия ҳамда муҳитга боғлиқдир. Шунинг учун оилага мураккаб тарбия ва яшаш маскани сифатида қаралади.

БОЛА ТАРБИЯСИДА ЁШИ УЛУҒЛАР ВА АЖДОДЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон шароитида оилавий тарбия тушунчасида нафақат болани дунёга келтирган ота-она таъсири, балки, шу ота-оналарнинг аجدодларидан қолган тажриба ҳам катта роль ўйнайди. Чунки, кўпни кўрган ота-оналар, бобо ва бувилар, умуман, катта ёшли қариндошлар томонидан болаларни тарбиялаш азалий туркий удумга кўра, ота-оналар тарбиявий таъсиридан кучли деб қаралади.

Умуман, кексалар ҳақида гап кетганда, биз уларни хонадонимиз фариштаси, хайру баракаси деб атаймиз. Халқ донолиги, минг йиллик тажрибалар, миллий анъаналар қарияларимиз онгида, фаолиятида, турмуш тарзида жамлангандир. Улар ёш авлоднинг устози, мураббийси, ҳаёт дорилфунунидир. Донишмандлар «Қари билганни пари билмас», деб бежизга

айтишмаган. Ёш авлодни тарбиялашда кекса авлоднинг хизмати бениҳоя катта бўлиб, бобо ва бувилар оилада тарбияни мукаммал йўлга қўйишда, чинакам халқчил тарбияни, оилавий тарбияни яратишда жонқуярлик қилиб келганлар. Катта авлод вакиллари оиланинг маънавий раҳбарлари ҳам бўлишади. Масалан, Амир Темур хонадониди ўрнатилган тартибга асосан шахзодалар тарбияси уларнинг оналари зиммасида эмас, балки буви-бибиларида бўлган. Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим бўлса-да, унинг оилавий тарбияси билан Сароймулкхоним шуғулланган. Амир Темур салтанатида фарзандлар ва набиралар тарбиясига жиддий қаралган ва албатта кексалар ўғитиғариоэ этилган.

Бугунги кунда жонажон юртимиз Ўзбекистондаги салкам 7 миллионлик оилаларнинг тинч, фаровон ва аҳил бўлиб яшашлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Маҳаллаларимизнинг бевосита ўзида ташкил этилаётган янги иш ўринларига ишга жойлашиб, оила бюджетини тўлдириш, ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлиш имкониятлари бор. Ёшларимизнинг ўқишлари, илм олишлари, бирон-бир ҳунарнинг бошини тутиб, малакали ҳунарманд бўлиши учун яратилган шароитларга барчанинг ҳаваси келади. Биздан фақат кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлиш ва инсон руҳияти қонуниятлари асосида бағрикенглик тамойилларида аввало хонадонимизда, қолаверса, маҳалла-куй ва жамоатчилик даврасида ибрат намунасида яшашимиз талаб этилади, холос. Қонунларимизга ҳурмат ҳар биримизнинг ҳаётий шиоримиз бўлмоғи даркор. Шундагина, биз муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида қайд этилганидек, асрлар мобайнида асраган муқаддас

удумларимизни сақлаб қоламиз, уларга нисбатан бўлаётган таҳдидлардан омон бўламиз.

Президентимиз ўз асарида миллий маънавиятимизни шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни тўғрисида сўз юритар экан, «оиланинг маънавий олами», «оиладаги маънавий муҳит», «хонадондаги маънавий иқлим», «оила — маънавият қўрғони» тушунчаларини бежиз келтирмаган, албатта. Шунингдек, ёш авлод тарбиясида маънавият бетакрор ва қудратли омил эканлиги ва долзарблигини зинҳор унутмаслик керак, чунки «бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки, бутун жамият учун жуда қимматга тушиши» тўғрисида ҳам алоҳида таъкид билан ёзадилар. Шу ўринда «оммавий маданият» ва унинг оилага таъсирини бир ўйлаб кўрайлик. Фарб матбуоти, телевидениеси, фарзандларимиз ҳукмига ҳавола этаётган айрим фильмлар, мультфилмлар, тарқатилаётган китоблар оилада энг аввало ота-онани фарзандга, фарзандни эса, ота-онага меҳрсиз қилиб қўяётганлиги ташвишлидир. Шу боис ҳам жамиятимизнинг асоси бўлмиш оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш, уни «оммавий маданият»нинг салбий қусурларидан асраш, фарзандларимизни ватанпарварлик, юртпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз виждоний бурчимиздир.

Шундай эзгу мақсад билан оила мустаҳкамлиги йўлида қонуний жиҳатдан ҳамда ҳар биримизнинг шахс сифатидаги психологик саводхонлигимизни кўтаришга хизмат қилувчи ушбу рисола ота-оналар ва ёшларга оила ҳаёти масалаларида яқиндан ёрдам беради, деган умиддамиз.

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи	3
Никоҳ тушунчаси	7
Никоҳ тузиш тартиби	9
Никоҳ тузиш шартлари	13
Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар	15
Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари	19
Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби ва унинг оқибатлари	21
Никоҳдан ажралишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши	24
Оила ва никоҳга психологик назар	30
Оилани мустаҳкамловчи психологик омиллар	33
Оиланинг вазифалари	34
Никоҳ олди омиллар	43
Психологик етукликнинг энг муҳим аҳамияти	46
Никоҳ мотивлари ёки нима учун оила қурмоқчисиз?	47
Фарзанд саломатлиги — оила бахти	50
Бола тарбиясида ёши улуғлар ва аجدодлар тажрибасининг ўрни	54

Қайд учун:

Қайд учун:

**НИКОҲЛАНУВЧИЛАРГА
ҲУҚУҚИЙ ПСИХОЛОГИК
ҚЎЛЛАНМА**

(Учинчи нашр)

Мухаррирлар: *А. Омонов,
 Г. Ортиқхўжаева*
Техник муҳаррир: *А. Аҳмедов*
Компьютерда
саҳифаловчи: *Ш. Расулов*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги «Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АИ №133, 14.03.09.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга рухсат этилди 10.12.2012 й.
Қоғоз бичими 84x108 ¹/₃₂. «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табағи 3,75.
Нашриёт ҳисоб табағи 3,2. Адади 10000 нусха.
....-буюртма. Нархи шартнома асосида.

**«КО'НИ-NUR» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 44-уй.**